O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 5 ноябрь, жума • № 88 (11.171) • Эркин нархда сотилади

1999 йил 5 декабрь — *Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар куни*

2000 йил 9 январь — *Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни*

ОШКОРАЛИК — МУҲИМ ЖИҲАТ

Олий Мажлисга сайлов кампанияси билан айни бир пайтда ўтаётган Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов жараёни муҳим довон ошди — депутатликка номзодларни рўйхатга олиш қонунга биноан сайловга ўттиз беш кун қолганда тўхатилди. Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар рўйхати вилоят газеталарида эълон қилинди. Ушбу босқичнинг асосий якунлари нималардан иборат? Ҳаммаси бўлиб вилоят Кенгашига депутатликка кўрсатилган 205 номзоддан 195 нафари рўйхатга олинди. Баъзи номзодлар рўйхатга олинмаганлигининг боиси сайлов ҳақидаги қонунларга риоя қилинмаганлигидадир.

Масалан, бир пайтнинг ўзида шу номзоднинг бошқа партиядан ҳам кўрсатилиши ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳи тўплаган имзолардаги баъзи сохталиклар (оила аъзолари номидан бир одам қўл қўйиб юборган) бўлди. Умуман, Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг раиси Фаррух Мирзаахмедовнинг эътироф этишича, ҳар бир номзод чуқур ўрганилди. Хусусан, ҳокимият ижроия органларининг уч мансабдор шахси депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганларидан кейингина, вилоят Кенгаши депутатлигига номзод этиб рўйхатга олиндилар.

Рўйхатга олинган номзодларнинг фракциялар бўйича тақсимоти қандай бўлганлиги ҳам қизиқарли, албатта. Улар қуйидагича: ҳокимлик вакиллик органларида 54 нафар, Халқ демократик партиясидан 48 нафар, Фидокорлар миллий демократик партиясидан 42 нафар, «Адолат» социал-демократик партиясидан 33 нафар, «Ватан тараққиёти» партиясидан 8 нафар, ташаббускор гуруҳлардан 8 нафар ва «Миллий тикланиш» партиясидан 2 нафар депутатликка номзод рўйхатга олинди. Шу тарика, ҳар бир округда 3-4тадан номзод бўлишига эришилди. Бу эса сайловларнинг демократик руҳда ўтиши гаровидир.

Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари ҳам кўрсатилган 1500га яқин номзоддан 1480 нафарини рўйхатга олди. Бу 190та округда 2-3тадан номзод рўйхатга олинди, деган гап.

Бугунга келиб, бизни жиддий сайловолди кураши кутаётганини эътироф этиш мумкин. Ўзининг сифат таркибига кўра вилоят Кенгашига кўрсатилган номзодлар олдингиларидан анча фарқ қилади. Маълумки, илгари номзодлар ўзларининг ишбилармонлик, маънавий ва аҳлоқий сифатларига кўра эмас, балки у ёки бу ижтимоий гуруҳга мансублигига қараб кўрсатилар эди. Энди эса депутатлик корпуси таркибига унинг даражасидан қатъий назар, сайловчилар энг муносиб, мамлакатимизда ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларга ўз улушини кўша олган одамлар сайланишини истаяптилар.

Ҳозирги кунга келиб вилоятда сайлов кампаниясининг муҳим босқичи бошланяпти. Эндиликда сайлов комиссияларининг энг муҳим вазифаси — депутатликка номзодлар учун тенг шароитлар яратиб беришдан иборат. Хусусан, мажлислар, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди ташвиқоти учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш борасида уларга бир хил имкониятлар яратиб бериш лозим бўлади. Хуллас, бошланаётган сайловолди ташвиқоти қатъий равишда қонунчиликка мос тарзда ўтказилиши учун барча чора-тадбирлар кўрилиши лозим. Шу билан бирга, вилоятдаги мавжуд 827 та сайлов участкасидаги ишларни янада жонлантириш даркор.

Сайловолди ташвиқотлари олиб борилаётган кунларда муаммолар туғилиши табиий. Уларни ҳал қилишда сайлов билан боғлиқ фаолиятнинг барча жиҳатлари аниқ белгилаб берилган қонунчиликка таянмоқ керак. Энг асосийси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг муҳим жиҳатларидан бири — очиқлик ва ошкоралик эканлигини унутмаслик лозим.

Сайлов комиссиялари ўз ҳудудларидаги сайлаш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, улар жойлашган манзил ва уларнинг ишлаш тартибидан хабардор этишлари, сайловчиларнинг рўйхатларини, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг номларини маълум қилишлари ва улар билан таништиришлари, депутатликка номзодлар хусусидаги маълумотномаларни, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги хабарларни матбуотда эълон қилишлари зарур. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш давридаги барча тадбирларга ошкоралик руҳи шу зайлда бахш этилади.

Хуллас, демократик сайловларнинг қонунчиликка мувофиқ тарзда ўтказилиши учун қўлимиздан келган барча ишларни қилмоғимиз ва бу йўлда ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшмоғимиз керак.

Убайдулла АБДУШОҲИДОВ,
вилоят сайлов комиссиялари матбуот маркази раҳбари.

СЕМИНАРЛАРДА ТУШУНТИРИЛМОҚДА

ХАЛҚ депутатлари Зангиота туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси муҳим сиёсий кампанияга тайёргарликни аниқ режа асосида олиб бормоқда.

Шу кунгача ҳудуддаги мавжуд 30та сайлов округи раислари учун икки марта семинар ташкил этилди. Бу анжуманларда ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш, сайловлар тўғрисидаги қонунларга қатъий риоя қилиш, жойларда номзодлар билан учрашувларни ўтказишда тенг шароитлар яратишга оид мавзуларда комиссия аъзолари, ҳуқуқшунос мутахассислар маърузалар билан чиқдилар.

— Вақти-вақти билан округ, участка сайлов комиссиялари раисларининг ҳисоботларини ҳам эшитиб бормоқдамиз, — деди биз билан суҳбатда туман сайлов комиссияси раиси Пўлат Турғунбоев. — Хусусан бундай мулоқотлар чоғида 15-, 20-, 28-сайлов округларига қарашли 15-, 23-, 31-сайлов участкалари раислари Раҳматилла Дўстмуҳамедов, Дилшод Собиров, Нигора Одиловаларнинг тайёргарлик борасидаги ишлари алоҳида қайд қилинди.

Айни кунларда тумандаги 39та сайлов участкасида халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлигига номзодлар билан учрашувларга ҳозирлик кўрилмоқда.

СУҲБАТ МАВЗУСИ — САЙЛОВ МАДАНИЯТИ

КУНИ кеча халқ депутатлари Қибрай туман Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиясида «Сайлов маданияти» мавзусида тумандаги округ, участка сайлов комиссиялари раислари билан мулоқот бўлиб ўтди.

Унда туман сайлов комиссияси раиси Раҳим Зокиров, раис ўринбосари Абдулла Эргашев, шунингдек, республика Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 167-, 168-округ сайлов комиссиялари раислари Зуҳриддин Одилов, Шоҳида Бобокалоновалар сайловларда иштирок этадиган фуқароларнинг орасида сайлов тўғрисидаги қонунларни кенг тарғиб қилиш, сайловчининг муомала маданияти, овоз бериш босқичидаги тартиб-қоидалар, сайлов ҳужжатларига муносабат масалалари хусусида батафсил фикр юритдилар.

Учрашувда сайлов комиссиялари раисларини қизиқтирган саволларига ҳам жавоблар берилди.

Саидвали ҲАСАНОВ.

ВИЛОЯТ ҳаёти

● ЧИНОЗДА вилоят маданият ҳодимлари касаба уюшмасининг XIX конференцияси бўлиб ўтди. Уюшма қўмитаси раиси Назира Акбарова 1994-1999 йиллар давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди. Шунингдек, уюшма тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди. Конференцияда сўзга чиққанлар уюшма фаолиятини қониқарли, деб баҳоладилар.

Конференцияда уюшма қўмитасининг янги таркиби тасдиқланди. Назира Акбарова қўмита раиси этиб қайта сайланди. Конференция сўнгида касаба уюшмаси олдида турган янги вазифалар белгилаб олинди.

● ЯНГИЙЎЛ шаҳридаги технологик коллежда республика Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари асосида тайёрланган кўп қисмли ҳужжатли фильмнинг ижодкорлари билан учрашув бўлиб ўтди. Талабалар фильмнинг дастлабки уч қисмини мириқиб томоша қилдилар. Сўнгра «Ўзбеккино» акциядорлик жамияти раисининг муовини Маматқул Ҳазраткулов. «Ўзбектелехроника» студияси директори Тўйчи Аҳмедов, ҳужжатли фильм режиссёри Шуҳрат Қурбонқулов ушбу ҳужжатли лентанинг тўртинчи қисми қандай яратилаётгани ҳақида талабаларга сўзлаб бердилар.

● ЯНГИЙЎЛ туманидаги «Ҳалқобод» иқтидорли болалар лицейида «Тилга эътибор — элга эътибор» мавзусида тантанали кеча бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблари Лазиз Қаюмов, Умарали Норматов, филология фанлари докторлари, профессорлар Ёрмат Тожиев, Ҳамидулла Болтабоев ва доцент Муҳаммаджон Қодиров давлат тили тўғрисидаги қонуннинг мазмунмоҳияти ва аҳамияти, шунингдек, уни жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида лицей талабаларига сўзлаб бердилар.

● ЯҚИНДА Чиноз туманидаги Амир Темур номли ширкатлар уюшмасининг дала шийпонига вилоят Қизил ярим ой жамияти раиси Муфаррах Каримова бошчилигидаги бир гуруҳ меҳмонлар ташриф буюришди. Улар дала меҳнаткашлари, пахтакорлар, ҳашарчилар билан учрашув ўтказдилар.

Шу куни вилоят Қизил ярим ой жамияти номидан 50 дан зиёд терим илғорлари, ҳашарчилар ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига совғалар ҳам топширилди.

● АНГРЕН. Вилоят педагогика институтида «Тил — миллат кўзгуси» мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда тил ва адабиёт кафедрасининг катта ўқитувчиси Аҳмадали Аҳмедов маъруза қилди. Институт маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Нафиса Юсупова ҳамда Нодира Умароваларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўтказилган анжуманда талабалар, устозлар жамоаси, барча қизиққанлар иштирок этдилар.

● Вилоятимиздаги Н-ҳарбий қисмида «Жалолиддин Мангуберди ибрати» мавзусида маънавият ва маърифат кечаси ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими Ғуломжон Каримов, илмий ходим Нурёғди Тошевлар қаҳрамон саркарда хаёти ҳақида сўзладилар. Республика маънавият ва маърифат кенгаши бўлим мудири Шамси Жумаев, маънавият ва маърифат кенгаши вилоят бўлими бошлиғи Р. Шералиев иштирок этган ушбу кечада аскарлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга ҳам жавоб олишди. Кеча охирида Акмал Шукуров бошлиқ санъаткорлар катта концерт намойиш этдилар.

● БЎКА автобус-таксомотор саройи маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси аёллар йилида хотин-қизларнинг меҳнат-турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирларни мунтазам амалга оширмоқда. У ерда иш куни икки соатга қисқартирилди, доим моддий ёрдам кўрсатиляпти. Яқинда бир гуруҳ транспортчи аёллар Самарқанд шаҳрига саёҳатга бориб келдилар. Бунинг учун маблағ корхона ҳисобидан ажратилди.

ВИЛОЯТ ҳаёти

«КОМПЬЮТЕР — ОСИЁ»НИНГ ТУҲФАЛАРИ

Кеча Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг мажлислар залида мазкур кенгаш ҳамда «Компьютер — Осиё» илмий-техник парки ҳамкорлигида «Маънавий ва маърифий тарғиботда замонавий информацион технологиялардан фойдаланиш» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинар-кенгашда Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг масъул котиби Аслиддин Болиевнинг «Маънавий ва маърифий тарғиботни амалга оширишнинг замонавий воситалари», «Компьютер — Осиё» илмий-техник парки ижрочи директори Абдураҳмон Хундибоевнинг «Буюк алломалар, шахслар фаолияти ва даври тўғрисида мультимедиа — қомуслар яратиш», техник парк илмий ходими Мусакул Қамбаровнинг «Давлат тилининг тадбиқини ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтишни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган компьютер дастурларини яратиш» ҳақидаги маърузалари тингланди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда «Компьютер — Осиё» илмий-техник парки ходимлари мультимедиа қомуслари дискларини яратиш борасида яхши ишларни амалга оширмоқдалар. Амир Темур шахсияти, давлати, буюк уйғониш ва «Ал-Фарғоний, Ал-Бухорий — тараққиётнинг яратилиши» мультимедиа қомуслари дастурлари ана шулар жумласидандир. Масалан, «Ал-Фарғоний ва Ал-Бухорий — тараққиётнинг яратилиши» мультимедиа қомуси диски буюк алломаларимиз ҳаёти, ижоди ва улар яшаган давр ҳақида ҳикоя қилади. Қомус тўрт бўлимдан иборат бўлиб, унда ислом маданиятигача бўлган Марказий Осиёнинг минг йиллик тарихи, зардуштийлик, қадимги грек, будда ва христианлар маданияти, шунингдек, VIII-X асрларда Шаркда ислом илмлари билимдони Имом Бухорий ва Ғарбда «Альфраганус» номи билан машҳур бўлган буюк мутафаккир Ал-Фарғоний ҳақида сўз боради.

Семинар-кенгашда Республика «Олтин мерос» Халқаро жамғармаси раисининг муовини, шарқшунос олим Убайдулла Уватов сўзга чиқиб, мазкур мультимедиа дастурлари дискининг замонавий техника воситалари борасидаги ажойиб янгилик эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

«АЙЛИН» ҚАНДОЛАТЛАРИ

ОҲАНГАРОН туманида жойлашган бу корхона жамоаси ишлаб чиқараётган турли хил ширинликлар истеъмол бозоридан тобора кенг жой олмоқда. Туркиянинг «Гида Санои» компанияси барпо этган корхона маҳсулотлари сифатли ва чиройли қадоқланган бўлиб, меҳнаткашлар томонидан кўплаб харид қилиняпти. Ҳозирги вақтда буюртмачиларга етказиб берилаётган печеньелар тури 30тадан ҳам ортиқ бўляпти. Ҳар куни эса ўртача тўрт тонна атрофида шундай маҳсулотлар жамоа қўлидан чиқмоқда. Яқин кунларда уларнинг яна битта янгисини тайёрлаш ўзлаштирилади. Бу ерда ялпизли конфет ишлаб чиқариш учун технологик линияни ўрнатиш ниҳоясига етказилмоқда. У ишга тушгач, бир кунда 100 килограмм шундай ширинлик савдо шахобчаларига етказиб бериладиган бўлади.

СУРАТЛАРДА: корхона ишчиси Ноила Сангилова ҳозиргина тайёрланган ширинликларни намойиш қилмоқда (чапдан); конвейер линиясида иш қизғин; илғор қандолатчилар Манзура Абдужабборова ва Шодиниса Ибрагимовалар тайёр маҳсулотларни мижозларга юбориш учун қутичаларга жойламоқдалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

МАТБУОТ АНЖУМАНИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Мулоҳаза

Шу йил 3 ноябрда «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси раҳбарияти иштирокида маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари ходимлари учун очиқ мулоқот ўтказди.

Мулоқотда мутасаддилар пахта ҳомашёсини қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш акциядорлик уюшмаси ташкил этилган етти йилдан бўён ўтган давр мобайнида қилинган ишлар, эришилган ютуқлар, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар, амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалар ҳақида ахборот бердилар. Шундан сўнг журналистлар раҳбариятга ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан саволлар бердилар. Хўш, бу саволларга жавоблар қандай бўлди?

Назаримда бу жавоблардан аксарият иштирокчилар қониқмадилар. Масалан, деҳқонлар, айрим хўжаликлар, деҳқон-фермерлар ўтган йилларда сотган пахталарига ҳам халигача ҳақни тўла ололмадилар. Бунинг боиси нимада, деб берилган саволга раҳбарият «кейинги икки йилда жаҳон бозорида пахтанинг харид нархи пасайиб кетганлигини» асосий баҳона қилиб кўрсатди.

Еки бўлмаса нега кейинги йилларда корхоналарда қадрлар қўнимсизлиги кучайиб кетди, корхона раҳбарлари тез-тез алмаштирилмоқда, дейилган саволга биз қаттиқ туряпмиз, суиистеъмолчиликка, тартиб-интизомни бузишга, порахўрликка қарши аёвсиз кураш олиб бораяпмиз, деб айтдилар.

Яна бир ўринли савол: андижонликлар технологияси асосида пленка тагига чигит экиб пахта етиштириш тажрибасиннг тола чиқими ва сифатига таъсири борми, деб берилган саволга бу усул туфайли ҳосилдорлик ошмоқда, бироқ, тола чиқими ва сифатига таъсири етарли эмас, деган жавобни олдилар.

Исроилдан келтирилган уруғ тақдири ҳақида гапириб, раҳбарият ҳар бир вилоятда маълум гектар майдонларга экилганлиги, ғўза уларнинг ўз мутахассислари, ўз технологиялари асосида экиб ўстирилиб, юқори ҳосил олинганлиги, тола чиқими, сифати қандай бўлганлиги якуний тахлилий хулосалардан кейин маълум бўлади, деб айтди.

Кейинги икки йил ичида Президентимизнинг ғамхўрлиги туфайли ҳориждан кўп техникалар келтирилиб, хўжаликларга тарқатилганлиги ҳақида ҳам маълумот берилди. Лекин, умуман бу соҳадаги ишларни жадал давом эттириш учун уюшманинг ўзи шахсан қандай ташаббус кўрсатаётганлиги, режалари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўла олмадик.

Ҳар йили ихтисослашган хўжаликларда ўзимизнинг эҳтиёжимиз учун зарур уруғлик чигит тайёрланмоқда. Бу уруғлик чигитга чет элликлар ҳам харидор бўляптими, дейилган саволга, ҳозирча йўқ, бироқ, биз ўз уруғларимизнинг таърифномасини тайёрлаб юборганмиз, тавсия қилганмиз, дейилди ва ҳоказо.

Матбуот анжуманларининг ташкил этилиши яхши. Уларда журналистлар иштирок этиб, кўп масалаларни ҳал қилиб, ойдинлаштириб олишлари мумкин. Аслида бундан кўзланган мақсад ҳам шу. Лекин шу ўринда туғилган айрим мулоҳазаларимизни ҳам айтиб ўтсак ўринли бўлади. Назаримизда миллий матбуот марказимизда республика вазирликлари, идора ва ташкилотларининг раҳбарлари иштирокида бўлаётган айрим матбуот анжуманлари бир қадар тайёргарликсиз ўтаётгандек туюлмоқда. Чунки уларда мутасадди идораларнинг раҳбарлари ўз соҳаларининг асосий моҳияти, истиқболи тўғрисида аниқ ва равшан фикрларни билдира олмаяптилар. Журналистларнинг саволларига тўла ва мукаммал жавоб бера олмаяптилар. Кекса журналист сифатида мен бундан бўёнги анжуманларга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилишини ва уларнинг келгуси ишимизга фойда келтиришини истар эдим.

Носир РИҲСИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

Вилоятимиз ҳаёти, Ватанимиз ва хорижда юз бераётган муҳим воқеалар, халқимизнинг яратувчилик меҳнати, истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги фидойиликлари, кенг кўламли ислоҳотларнинг боришини тўлақонли акс эттириш, тарихий қадриятлар, мафкура, маънавият, маърифат масалаларини ёритиш ва энг асосийси Сиз — азиз муштарийлар орзу-ўйлари, фикрларини акс эттиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, вилоятимизнинг ижтимоий-сиёсий газетаси — «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» минг-минглаб ўқувчиларнинг яқин ҳамроҳи, маслаҳатчиси, кўмакдоши ва таянчи эканлигини унутманг.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясининг барча алоқа бўлимларида бошқа нашрлар қаторида «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Газетамизга ўз вақтида ёзилсангиз, у мунтазам равишда хонадонингизга етказиб берилади.

Нашр кўрсаткичларини эслатиб ўтамиз:
якка обуначилар учун — 205,
ташкилотлар учун — 206.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 22²-моддасига мувофиқ сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни ва депутатликка номзодларнинг тегишли округлардан номзодлари овозга қўйилишига рози эканликлари тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиб,

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 24-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси, Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилган қуйидаги номзодлар рўйхатга олинсин:

Тошкент вилояти бўйича:

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Номзод кўрсатган органнинг номи	Иш ва турар жойи	Эгаллаб турган лавозими
150-Бинокор сайлов округи					
Асадов Илхом Содикович	1960	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Ангрен шаҳри	Ангрен шаҳар ҳокими
Матаева Блухан Матаевна	1949	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Ангрен шаҳри	Ангрен шаҳри фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудири
Рахматуллаев Абдували Халилович	1948	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Ангрен шаҳри	Ангрен табиатни муҳофаза қилиш минтақавий қўмитаси раиси
Таджибаев Курбанали Туткичбаевич	1953	Партиясиз	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи	Ангрен шаҳри	Тошкент вилояти давлат Педагогика институти катта ўқитувчиси
Усманов Нурмухаммад	1958	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ангрен шаҳри	«Ангренкўмиртехтранс» корхонаси директори
151-Бекобод сайлов округи					
Керимов Усеин Люманович	1954	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Тошкент вилояти	Архитектура институти фалсафа ва социология кафедраси доценти
Мухаммедова Сохиба Давроновна	1974	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Бекобод шаҳри	Бекобод тиббиёт билим юрти ўқитувчиси
Фарманов Александр Қосимович	1958	Партиясиз	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Бекобод шаҳри	«Ўзбекистон металлургия комбинати» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори
152-Олмалиқ сайлов округи					
Асомов Шарофиддин Содикович	1960	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Олмалиқ шаҳри	Олмалиқ газ идорасининг бошлиғи
Бутиков Игорь Леонидович	1958	Партиясиз	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Тошкент шаҳри	«Консаудитинформ» агентлиги бош директори
Маматкулов Анарбой Исмоилович	1964	Партиясиз	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси	Олмалиқ шаҳри	Олмалиқ шаҳар «Кимёгар» шифохонаси врачи
Сигедин Виталий Николаевич	1937	Партиясиз	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Олмалиқ шаҳри	Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати бош директори
153-Пскент сайлов округи					
Миралимов Жўравой Дехканбаевич	1954	Партиясиз	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Тошкент шаҳри	Пскент тумани ҳокими
Тошев Тухтамурод Мирзахалилович	1952	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Тошкент шаҳри	«Адолат» газетасининг бош муҳаррири
Эшматов Усмонқул Норматович	1955	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Пскент тумани	Пскент тумани И. Хайдаров номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи
Хайдаров Гаффаржон Худайбердиевич	1953	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Пскент тумани	Пскент тумани ҳудудий тиббий бирлашмаси бош врачи
154-Оҳангарон сайлов округи					
Абдужабборова Хакима Абдурахмоновна	1957	Партиясиз	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Оҳангарон шаҳри	Оҳангарон тумани алоқа бўлимининг бош муҳандиси
Мухитдинова Фарруха Фахриддиновна	1955	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари
Салиев Улуғбек Агзамович	1965	Партиясиз	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Тошкент шаҳри	Тошкент вилояти ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи
Урунбаева Мавлюда Юнусовна	1951	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Оҳангарон шаҳри	Оҳангарон тумани марказий шифохонаси гинекология бўлими мудири
155-Тўйтепа сайлов округи					
Абжалова Ўлмас Таджибаевна	1947	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Ўрта Чирчиқ тумани	Ўрта Чирчиқ тумани «Сейсинг» Ўзбекистон-Япония қўшма корхонаси директорининг ўринбосари
Салимова Шарипа	1951	Партиясиз	«Миллий тикланиш» демократик партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони масъул ходими
Тулаганова Мухая Мирза-Алиевна	1946	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Тошкент шаҳри	Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси
Умиров Мухамед Исматович	1956	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи	Ўрта Чирчиқ тумани	Ўрта Чирчиқ тумани «Уйшун» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
Халилов Вахобжон Маматсахович	1941	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Ўрта Чирчиқ тумани	Ўрта Чирчиқ тумани Тошкент темир-бетон буюмлари заводи директори
Юсупова Гулнора Абдурахмоновна	1956	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Бектемир тумани	«Бизнесфонд» жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари
156-Ўрта Чирчиқ сайлов округи					
Зиявидинова Хакима Тўхтасиновна	1951	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Ўрта Чирчиқ тумани	Ўрта Чирчиқ тумани «3-Хакима» деҳқон фермер хўжалиги раҳбари
Ибрагимов Шавкат Муминович	1959	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Сергели тумани	«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар Сергели тумани бўлими раиси
Муродова Шаходат Отабековна	1960	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи	Тошкент шаҳри	Ўзтелерадиокомпанияси «Ахборот» бош муҳарририятида муҳаррир
Хайдаров Равшан Расулович	1947	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси Сиёсий Кенгаши котиби
Халикова Мукаддас	1947	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўрта Чирчиқ тумани	Тошкент вилояти «Ўртасарой» деҳқон фермер хўжалиги раиси
Хошимов Ўткир	1941	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси
157-Кимёгар сайлов округи					
Иргашев Тургун Иргашевич	1934	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши биринчи котиби
Назаров Хамидулла Сативалдиевич	1950	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Чирчиқ шаҳри	Ўзбекистон «Кимёлойиҳа» илмий-тадқиқот институти Чирчиқ бўлими бош директори
Ниязматов Хабибулло Ахтамович	1939	Партиясиз	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси	Тошкент шаҳри	«Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси бошқарма бошлиғи
Сатчин Владимир Мухамедхалиевич	1949	Партиясиз	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Чирчиқ шаҳри	«Чирчиққурилиш» акционерлик жамияти 307-механизациялашган кўчма колоннаси бригада бошлиғи
Шаакбарова Мастура Ашировна	1965	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Чирчиқ шаҳри	Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлими услубчи назоратчиси
158-Машинасозлар сайлов округи					
Ашуров Файзулла Қозиевич	1948	Партиясиз	Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши	Тошкент шаҳри	Тошкент вилояти адвокатлар кенгаши раиси
Джураева Феруза Тулкуновна	1973	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси	Тошкент шаҳри	Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи
Зинин Сергей Иванович	1935	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси котиби
Садиков Нигматулла Усарович	1950	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Чирчиқ шаҳри	Чирчиқ шаҳри 1-касб-ҳунар коллежи директори
Хамроев Фархат Маратбекович	1963	Партиясиз	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти ахборот-таҳлил маркази раҳбари
159-Чорвоқ сайлов округи					
Нигматов Уткур Убайдуллаевич	1957	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши	Тошкент шаҳри	«Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви раиси
Сагдуллаев Раҳматилла	1948	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Бўстонлиқ тумани	Очиқ турдаги акционерлик жамияти «Хумсон» санаторийси бош директори
Қодиров Малик Машрабович	1956	Партиясиз	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Матбуот котиби
Ғаниев Нурулла Валиевич	1960	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Тошкент шаҳри	Бўстонлиқ туман «Энергоқурилишиндустрия» ишлаб-чиқариш бошқармаси бош директори
160-Паркент сайлов округи					
Абдурахмонов Абдулла Абдусалимович	1954	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Паркент тумани	Паркент тумани «Намданак» жамоа хўжалиги бош агрономи
Примов Орифжон Хасанович	1952	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси	Паркент тумани	Паркент тумани товар ишлаб-чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси
Холтоев Туроп	1945	Партиясиз	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Паркент тумани	Паркент тумани ҳокими
Юсупов Алижон	1947	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Тошкент шаҳри	Республика «Бизнесфонд» жамғармаси бошқарувининг раиси
161-Юқори Чирчиқ сайлов округи					
Аскарова Муаттар Аскаровна	1955	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Тошкент шаҳри	Ўзтелерадиокомпанияси «Ахборот» бош муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси
Бабаджанов Ташпулат Лепесович	1935	Партиясиз	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси	Тошкент шаҳри	«Комплекс тематик экспедицияси» очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси
Жўраев Тўхтамурод Жўраевич	1934	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси президенти
Ким Вячеслав Михайлович	1945	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Тошкент шаҳри	Республика акционерлик тижорат-ривожланиш «Сармоябанк»нинг Бектемир бўлими бошлиғи
Нормаматов Тохиржон	1949	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи	Юқори Чирчиқ тумани	Юқори Чирчиқ туман халқ таълими бўлими мудири
Садиков Рустам Аброрович	1956	Партиясиз	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Республикаси хирургия илмий маркази бош илмий ходими
162-Янгийўл сайлов округи					
Арифджанова Мухаббат Кабуловна	1947	Партиясиз	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси	Тошкент шаҳри	Тошкент вилояти давлат ветеренария нозирлиги бош назоратчиси
Ташпулатова Махбуба	1952	Партиясиз	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи	Янгийўл шаҳри	Янгийўл шаҳар академик лицей ўқитувчиси
Хасанов Улуғбек Атабоевич	1947	Партиясиз	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессори вазифасини бажарувчиси
Халматов Эргаш	1950	Партиясиз	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Охангарон тумани	Тошкент вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи
Худояров Махамаджон Бердибоевич	1953	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Янгийўл шаҳри	«Янгийўл ёғ-мой» акционерлик жамияти раиси
Қосимов Аваз Ахралович	1947	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Тошкент шаҳри	«Меҳнат» ишлаб чиқариш ширкати раиси
Қўлдашев Рузибой Пулатович	1962	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи	Тошкент шаҳри	Ўзтелерадиокомпанияси «Тошкент» канали катта муҳаррири
163-Зафар сайлов округи					
Бўрибоев Ғофуржон Боқиевич	1951	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Бекобод тумани	Бекобод тумани ҳокими
Русалиев Жумабой Мансурович	1959	Партиясиз	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси	Бекобод тумани	«Далварзин» жамоа хўжалиги ижара бригадири
Турабеков Хусан Мустахим ўғли	1957	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Бекобод тумани	Бекобод тумани марказий шифохонаси бош врачи
Шарипов Рустам Хуснутдинович	1961	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Тошкент шаҳри	Тошкент Давлат юридик институти ўқув жараёни сифатини назорат қилиш инспекцияси бошлиғи
164-Бўка сайлов округи					
Абдиев Мансур Ибрагимович	1956	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Кенгаши	Халқ депутатлари Тошкент вилояти	Бўка тумани раиси	Бўка тумани «Машина-трактор парки» давлат акционерлик жамияти бошқаруви

(Давоми 3-бетда).

(Давоми. Боши 2-бетда).

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Номзод кўрсатган органнинг номи	Иш ва турар жойи	Эгаллаб турган лавозими
Каримов Раҳмонқул Каримович	1954	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Тошкент шаҳри	Макроиқтисодиёт ва ижтимоий тадқиқотлар институти директори
Рахматуллаев Анвар	1947	Партиясиз	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи	Бўка тумани	Бўка тумани марказий шифохонаси бош врачи
Сайдуллаев Мансур Хабибуллаевич	1971	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Бўка тумани	Бўка тумани «Баҳмал» жамоа хўжалиги раиси
Суннатиллаев Ахатилла	1948	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Бўка шаҳри	Туман марказий шифохонаси жарроҳлик бўлими мудири

165-Зангиота сайлов округи

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Номзод кўрсатган органнинг номи	Иш ва турар жойи	Эгаллаб турган лавозими
Жураев Миркамал Хожиахматович	1960	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Тошкент шаҳри	Зангиота тумани «Чиғатой-Оқтепа» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
Махмудова Гульнора Гуломназаровна	1964	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Зангиота тумани	Тошкент вилояти «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси
Мўйдинов Махмуд	1939	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши иккинчи котиби
Рихсиев Махкам	1935	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси	Тошкент шаҳри	Ўзтелерадиокомпаниясининг сиёсий шарҳловчиси
Ғуломова Дилбар Мухаммадхоновна	1941	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси

166-Қизғалдоқ сайлов округи

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Номзод кўрсатган органнинг номи	Иш ва турар жойи	Эгаллаб турган лавозими
Джихангирова Дилбар Набиевна	1946	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси
Ибрагимов Рустамжон Рахимжонович	1955	Партиясиз	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи	Тошкент тумани	«Стеллор» шўъба корхонаси бош директорининг ўринбосари
Рашидов Авазхон Эркинович	1965	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Янгийўл тумани	«Дейл-Карн» ишлаб чиқариш хусусий корхонаси раҳбари
Хусанова Хабиба Артиқовна	1961	Партиясиз	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Тошкент тумани	«Мевасабзавотбанк»нинг Келес бўлими бошқарувчиси
Ғаниев Абдужамил Искандарович	1973	Партиясиз	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси	Тошкент вилояти	«Бизнесфонд» жамғармаси Тошкент вилоят бўлими раҳбарининг ўринбосари

167-Салор сайлов округи

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Номзод кўрсатган органнинг номи	Иш ва турар жойи	Эгаллаб турган лавозими
Абдукаримов Абдусаттор	1942	Партиясиз	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти директори
Абдурахимов Асатилла Убайдуллаевич	1948	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Юнусобод тумани	Тошкент Давлат аграр университети «Эконометрия ва информатика» кафедраси мудири
Аъзамов Сирожиддин Хидоятович	1952	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгашининг биринчи котиби
Турсункулов Рустам	1950	Партиясиз	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси	Тошкент шаҳри	Тошкент шаҳри «Тиббиёт анжомлари» жамоа корхонаси директори

168-Қибрай сайлов округи

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Номзод кўрсатган органнинг номи	Иш ва турар жойи	Эгаллаб турган лавозими
Куччиев Мирзамашрап Раззокович	1954	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Қибрай тумани	Қибрай тумани ҳокими
Убайдуллаев Сабир Амирханович	1956	Партиясиз	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Фанлар Академияси «Сувпромет илмий-ишлаб чиқариш фирмаси директори
Шамирзаев Алишер Абдусаломович	1962	Партиясиз	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Қибрай тумани	Қибрай тумани Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
Яруллина Зульфия Равильевна	1959	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Тошкент шаҳри	Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозирлик бошлиғи

169-Қуйи Чирчиқ сайлов округи

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Номзод кўрсатган органнинг номи	Иш ва турар жойи	Эгаллаб турган лавозими
Искандаров Турсунхужа Ёдгорович	1945	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Ўрта Чирчиқ тумани	Алишер Навоий номли халқ корпорацияси президенти
Рустамбоев Мирзаюсуп Хакимович	1953	Партиясиз	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Тошкент шаҳри	Тошкент Давлат Юридик институти проректори
Салмонов Умар Ибрагимович	1962	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати марказий Кенгаши хамраиси
Курбанов Равшанбек Давлатович	1947	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон кардиология илмий-тадқиқот институти директори

170-Оққўрғон сайлов округи

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Номзод кўрсатган органнинг номи	Иш ва турар жойи	Эгаллаб турган лавозими
Мирзакулов Уммат Маматқулович	1943	Партиясиз	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Тошкент шаҳри	Тошкент вилояти ҳокими
Ниёзов Эргаш Миннаварович	1932	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Оққўрғон тумани	«Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси
Рахмонбердиев Азим Тураевич	1941	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Тошкент шаҳри	Республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Тошкент вилояти мухтор вакили бошқармаси бошлиғи
Умиров Рахимжон Рахмонкулович	1960	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи	Тошкент шаҳри	Тошкент вилояти «Акмал» хусусий фирмаси бош директори

171-Чиноз сайлов округи

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Номзод кўрсатган органнинг номи	Иш ва турар жойи	Эгаллаб турган лавозими
Ахунов Едгор Мустафаевич	1951	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Чиноз тумани	Чиноз Тумани «Эски Тошкент» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
Холматов Рустам Қурбонназарович	1961	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Чиноз тумани	Чиноз тумани ҳокими

172-Навбаҳор сайлов округи

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Номзод кўрсатган органнинг номи	Иш ва турар жойи	Эгаллаб турган лавозими
Бабаханов Асқар Тажихонович	1952	Партиясиз	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Янгийўл тумани	Янгийўл тумани «Кенг кичик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Миралимов Миракмал Мирахматович	1955	Партиясиз	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси котибияти Матбуот ва таржималар бўлимининг мудири
Расулов Карим Расулович	1942	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Тошкент шаҳри	Республика байналминал маданият маркази директори
Рахимбердиев Махамаджон Нигматжонович	1964	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Тошкент шаҳри	«Фидокорлар» миллий демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши котиби, Зангиота туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси
Хожибоев Абдухаким Мўминович	1951	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Зангиота тумани	Давлат шошилинч тиббий ёрдам миллий маркази бош директорининг ўринбосари

173-Эски Қовунчи сайлов округи

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Номзод кўрсатган органнинг номи	Иш ва турар жойи	Эгаллаб турган лавозими
Абдувалиев Абдурахмон Абдулхаевич	1956	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Тошкент шаҳри	«Ўзавтотранс» давлат акционерлик корпорацияси «Ўзавтотранстаъминот» концерни бошқаруви раиси
Махкамов Абдибахадир Кабирович	1962	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи	Янгийўл тумани	Янгийўл туман товар ишлаб-чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси
Османова Зулфие Энверовна	1957	Партиясиз	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши	Янгийўл шаҳри	Янгийўл тумани давлат нотариал идораси катта нотариуси
Султонов Хайриддин Мадриддинович	1956	Партиясиз	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ахборот-таҳлил хизмати раҳбари
Холикова Муътабар Орифовна	1960	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	Бўка тумани	Бўка тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси

Марказий сайлов комиссияси Раиси ***Н. КОМИЛОВ.***

Тошкент шаҳри,
1999 йил 31 октябрь.

ТЕЛЕ кўрсатувлар

ДУШАНБА, 8

ЎзТВ I

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан Душанба,8 ноябр «Ўзбекистон» 1 телеканали кўрсатувлари соат 6.30 дан 16.00 гача ЎзТВ-II «Ёшлар» телеканали орқали намойиш этилади.

***

16.00 «Бу олам саҳнида».
16.25 «Изотоп». Бадиий фильм.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Умид учкунлари».
18.30 Маслак ва мақсад. «Ватан тараққиёти партияси».
19.00 «Бахтли воқеа».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.10 «Сайловлар минбари». Фидокорлар миллий-демократик партиясининг сайловолди платформаси.
21.25 «Бархаёт наволар».
22.00 «Ойдин келажак йўлида».
22.35 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра».
22.55 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 96-қисм.
23.45 «Ахборот».
00.15 «Маънавият» дастури.
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».

8.40 Лирик тароналар.
9.05 «Ўзлик».
9.35 «Довюраклар». Телесериал.
Ўқувчиларнинг таътил кунларида:
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.25 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Бахт гуллари».
10.55 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
12.05 «Сайловлар минбари». Адолат социал-демократик партиясининг сайловолди платформаси.
12.20 «Умр мазмуни».
12.45 «Шохрух» клуби.
13.15 «Олтин дала».
14.10 Софокл. «Электра». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
15.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».

ЎзТВ III

18.00 «Сайловлар минбари». Адолат социал-демократик партиясининг сайловолди платформаси.
18.15 «Очиқ дарс».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, кутлаймиз!»
19.05 «Телефакт».
19.15 Эфирда - «Ватан тараққиёти партияси».
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 73-серия.
20.10 «Бурч ва масъулият».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Спорт-тайм».
21.45 «Бумеранг».
22.00 «Аслардан ҳикоя сўйлаб». Телефильм.
22.15 «Биз сизга бахт тилаймиз».
22.45 «Индаба». Телесериал. 3-серия.
23.10 «Кўзгу». Тележурнал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 «Кинонигоҳ». «А-1 лойиҳаси».
01.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

14.00 «Сайловлар минбари». «Адолат» социал демократик партиясининг сайловолди платформаси.
14.15-16.10 Туркия телевидениеси.
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари».
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 «Уорлднет» янгиликлари.
19.00 «Бу ажиб дунё».
19.15 Кинокомедия.
21.00 «Время».
21.40 «Дил изҳори».
21.45 «Ит уяси». Телесериал.
22.30 «Оламда нима гап?».
22.40 «ТВ-4 да немис тўлқини».
23.00 «Вести».
23.30 Кинематограф.
01.00 «Ахборот» (рус тилида)
01.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 9

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Бу гулшан сози». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 96-қисм.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
Ўқувчиларнинг таътил кунларида:
10.25 «Доно бобо даврасида».
10.45 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Бахт гуллари». Видеофильм. 2-қисм.
11.15 «Мураббий». Спорт дастури.
11.30 «Муҳаббат дарси».
12.05 «Сайловлар минбари».
12.20 «Иқтисод ва биз».
12.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
13.05 «Маънавият» дастури.
14.10 «Шийпондаги учрашув».
14.50 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Ёмғирли оқшом».
15.20 «Кувноқ стартлар». Телемусобақа.
16.00 «Анъаналар этади давом».
16.30 «Юртим жамоли».
16.45 «Олтин маъбуда». Бадиий фильм.
18.10 «Истеъдод». Мусиқий дастур.
18.30 «Маслак ва мақсад». Мустақил номзодларни қўллаб-кувватлаш маркази.
19.00 «Сўнгги пушаймон».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.10 «Сайловлар минбари». Халқ демократик партиясининг сайловолди платформаси.
21.25 «Олам қўшиққа тўлсин».
22.00 «Баркамол авлод орзуси».
22.25 «Ўзлигинг намоён қил!» Экранда — Фарғона вилояти.
23.00 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
23.50 «Ахборот».
00.20 «Омад ҳамиша келавермайди».
01.35-01.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 96-қисм.
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Давр» - интервью.
19.45 «Олтин мерос».
19.50 «Мутолаа».
20.00 «Мусиқий лаҳзалар».
20.05 «Ҳамкорлик».
20.25 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
20.55 «Мен овоз бераман».
21.00 «Марду-майдон».
21.20 «02» тўлқинида.
21.35 «Беҳзод Юсупов куйлайди».
21.55 «Мен овоз бераман».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.20 «Премьерадан сўнг».
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. Теннис.
00.45 Шарқ эстрадаси.
00.55 «Янги тонг».

ЎзТВ III

18.00 «Сайловлар минбари». «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг сайловолди платформаси.
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт».
18.45 Телегазета «Экспресс».
19.05 Телефильм.
19.15 Эфирда — Мустақил номзодларни қўллаб-кувватлаш маркази.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 74-серия.
20.10 «Меҳр нури».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ёшлар худуди». Мен сайловчиман.
21.45 «Туризм ҳақида». Хафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.45 «Индаба». Телесериал. 4-серия.
23.10 «Суҳбатдош».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 «Кинонигоҳ». «А-2 лойиҳаси».
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

РЖТ
7.30-9.00
14.00 «Сайловлар минбари».
14.15-16.10 Туркия телевидениеси.
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари».
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 Клип-антракт.
18.55 «Сени излайман».
19.40 «Лўли». Сериал. 1-серия.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.40 «Дил изҳори».
21.50 «Оламда нима гап?».
22.00 «Ит уяси». Телесериал.
22.45 Сиз кутган учрашув.
23.00 «Вести».
23.30 «Спорт-клуб».
23.45 Кинематограф.
01.10 «Ахборот» (рус тилида)
01.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 10

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Ўзбекистон бастакорлари». Н.Норхўжаев.
9.10 «Фан — тараққиёт негизи».
9.35 «Довюраклар». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00,18.00 Янгиликлар.
10.05 «Дилхирож».
Ўқувчиларнинг таътил кунларида:
10.25 «Қўғирчоқлар жонланганда».
10.50 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Бахт гуллари». Видеофильм. 3-қисм.
11.25 «Олимпиадачилар орамизда».
11.40 «Инсон — ҳаёт гултожи».
12.05 «Сайловлар минбари». Халқ демократик партиясининг сайловолди платформаси.
12.20 «Остонаси тиллодан».
12.55 «Замин қадри».
13.10 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
14.10 «Театр ва мусиқа».
14.40 «Оқибат».
15.00 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Жаҳонни забт этган санъат».
15.20 «Талаб ва таклиф».
15.40 «Кодекс».
16.00 «Чипполино». Бадиий фильм.
17.20 «Кўнгил тароналари».
17.45 «Жаҳон спорти».
18.10 «Ҳа, Ҳа, Ҳа». Ҳазил, Ҳажв, Ҳангома.
18.30 «Имконият».
18.50 «Шеърият лаҳзалари».
19.00 «Эл тинчлиги йўлида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.10 «Сайловлар минбари».
21.25 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
22.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
«Тунги ҳамроҳ»
22.20 Жаҳон ёшлари. «Умид» билан.
23.00 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 97-қисм.
23.50 «Ахборот».
00.20 «Олтин занжир». Бадиий фильм.
01.45-01.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
18.35 «Спектаклдан сўнг».
18.55 «Мен овоз бераман».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Давр» - интервью.
19.45 «Танишинг: Абдулла Убайдуллаев».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.35 «Далил ва шарҳ». Сайлов ва биз.
20.50 «Мусиқий лаҳзалар».
21.05 «Ракурс».
21.25 «Эркин фикр».
21.40 «Мен овоз бераман».
21.45 «Мусиқий лаҳзалар».
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 «Каталог».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.15 «Мен овоз бераман».
23.20 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. Интерфутбол.
00.50 «Хит-коллекция».
01.10 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

18.00 Халқ демократик партиясининг сайловолди платформаси.
18.15 Болалар учун. «Совға».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт».
18.45 Телегазета «Экспресс».
19.05 «Мусоҳаба».
19.15 Эфирда — Ҳокимият вакиллик органлари.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 75-серия.
20.10 «Дунё ёшлар нигоҳида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.45 «Санъат усталарининг концерти».
22.05 «Янги иқтисод».
22.45 «Индаба». Телесериал. 5-серия.
23.10 «Маржон». Маърифий телеклуб.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 «Кинонигоҳ». «Сақоқушнинг ўлими».
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

РЖТ 7.30-9.00

14.00 «Сайловлар минбари». Ўзбекистон халқ демократик партиясининг сайловолди платформаси.
14.15-16.10 Туркия телевидениеси.
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари».
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 Клип-антракт.
18.55 «Инсон ва қонун».
19.40 «Лўли». Сериал. 2-серия.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Дил изҳори».
22.00 «Оламда нима гап?».
22.10 «Ит уяси». Телесериал.
22.55 Клип-антракт.
23.00 «Вести».
23.30 «Сизнинг адвокатингиз».
23.45 «Океан ортига саёҳат. Япония».
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 11

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Ўзбекистон — Ватаним маним».
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 97-қисм.
10.05 «Шоирлар — болаларга».
10.35 «Теран томирлар».
10.55 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
12.05 «Сайловлар минбари». Миллий тикланиш демократик партиясининг сайловолди платформаси.
12.20 «Юрт ҳақида қўшиқ».
12.40 «Осон эмас, бу майдон ичра».
13.10 «Камолот сари».
13.30 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.10 К.Аваз. «Диёнатга хиёнат». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театрининг спектакли. 1-қисм.
15.10 «Болаликка бахшида умр».
15.30 «Куйла, ёшлигим».
16.00 «Қизжибек». Бадиий фильм. 1-серия.
17.10 «Тарихингдир бир жаҳон».
17.35 «Созимда севги васфи».
18.10 «Ҳамкорлик риштлари».
18.30 «Маслак ва мақсад». Адолат социал демократик партияси.
19.00 «Ҳидоят сари»
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.10 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
21.25 «Санъаткор саодати».
21.55 «Акс-садо».
22.25 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
22.45 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
23.35 «Ахборот».
00.05 «Четга оғиш ноль». Бадиий фильм.
01.20-01.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 97-қисм.
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Сайловлар минбари». Ватан тараққиёти партиясининг сайловолди платформаси.
19.45 «Олтин мерос».
19.50 «Ёшлар» телеканалида.
19.55 «Мезон».
20.15 «Мен овоз бераман».
20.25 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
20.55 «Мусиқий лаҳзалар».
21.00 «Бегойим».
21.25 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.40 «Марказий сайлов комиссияси хабарлари».
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
01.20 «Ёшлар»телеканалида спорт дастури: 1.Интерфутбол. 2.«Спорт қитъаси».
01.20 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

18.00 «Сайловлар минбари». Миллий тикланиш демократик партиясининг сайловолди платформаси.
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт».
18.45 Телегазета «Экспресс».
19.05 «Дашти жум». (Қўриқхона). Телефильм.
19.15 Эфирда — Адолат социал-демократик партияси.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 76-серия.
20.10 «Тошкент ва тошкентликлар».
20.30 «Ахборот».
21.05 «ТВ ва театр».
21.45 «Саховат».
22.00 «Армуғон». Мусиқий кўрсатув.
22.45 «Индаба». Телесериал. 6-серия.
23.10 Телефильм.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 «Кинонигоҳ». «Янги шеригим».
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

РЖТ
7.30-9.00
14.00 «Сайловлар минбари». Миллий тикланиш демократик партиясининг сайловолди платформаси.
14.15-16.10 Туркия телевидениеси.
16.10 «Сайловлар ва биз».
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 Клип-антракт.
18.55 «Ит уяси». Телесериал.
19.40 «Лўли». Сериал. 3-серия.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.45 «Дил изҳори».
21.50 «Оламда нима гап?».
22.00 «Қалбим юлдузи». Телесериал.
22.45 СНН-шоу.
23.00 «Вести».
23.30 «Кино сайёраси».
23.50 Кинематограф.
01.05 «Ахборот» (рус тилида)
01.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 12

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Кўҳна замин оҳанглари».
9.15 «Ҳаёт чашмалари».
9.35 «Довюраклар». Телесериал.
10.00, 12.00,14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
10.55 Кундузги сеанс.
12.05 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
12.20 «Жавоҳирлар хазинаси».
12.45 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури.
13.05 Ватан тимсоллари.
13.10 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
14.10 «Сомон йўли».
14.40 К.Аваз. «Диёнатга хиёнат». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театрининг спектакли. 2-қисм.
15.25 «Сайловлар ва биз». Телекўприк.
16.00 «Шарқ тароналари».
16.20 «Қизжибек». Бадиий фильм. 2-серия.
17.40 «Бир қадам...»
18.10 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.30 «Маслак ва мақсад». Фидокорлар миллий демократик партияси.
19.00 «Ишончли ҳамкор». Телетанлов.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.10 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
21.25 «Санъатим — саодатим».
21.55 «Марказий сайлов комиссиясида».
22.10 «Маърифатнома». «Дин ва демократия».
22.40 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
23.30 «Ахборот».
24.00 «Олмазор». Бадиий фильм.
01.15-01.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Дунё ва болалар». Мульттомоша).
18.40 «Ёшлар ва маънавият».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Сайловлар минбари». Мустақил номзодларни қўллаб-кувватлаш марказининг сайловолди платформаси.
19.45 «Олтин мерос».
19.50 «Ёшлар» телеканалида.
19.55 «Мен овоз бераман».
20.00 «Аср қиёфаси».
20.15 «Автосалтанат».
20.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 «Азизим».
21.40 «Жаҳолат бекати».
21.50 «Наволарда аён этсам».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мен овоз бераман».
22.35 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: «Ринг қироллари».
23.35 «Жаҳон эстрадаси».
23.55 Синема.
01.25 «Мунаввар тонг истаб!»

ЎзТВ III

8.50 «Ерилтош». Мульттўплам.
9.10 «Кўнгил тароналари».
9.30 Болажонлар экрани. «Қизалоқ фильмда ўйнашни хоҳлайсанми?»
10.45 «Спорт оламида».
11.00 «ТВ ва театр».
11.25 «Ёввойи табиат».
12.15 «Яна бир учрашув...»
12.45 «Кинонигоҳ». «Янги шеригим».
14.10-14.25 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
18.15 Болалар учун. «Куралай».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт».
18.45 Телегазета «Экспресс».
19.05 «Ўзбекистонда куз». Телефильм.
19.15 Эфирда — Фидокорлар миллий демократик партияси.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 77-серия.
20.10 «Фаровонлик бекати».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Саломатлик чорраҳаси».
21.20 «Сўзана ва чинни буюмлар».Телефильм.
21.45 «Ер сайёрасининг 6 миллиардчи фарзанди».
22.45 «Индаба». Телесериал. 7-серия.
23.05 «Катталар учун эртак».
23.20 «Тоғларнинг гули ўзгача». Манзарали фильм.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 «Кинонигоҳ». «Ғаройиб рейс».
01.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

РЖТ
7.30-9.00
14.00 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
14.15-16.10 Туркия телевидениеси.

16.10 «Сайловлар ва биз».
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 СНН-шоу.
17.55 «Тенгдошлар».
18.20 «Бу ажиб дунё».
18.35 «Мультчархпалак».
18.50 «Ит уяси». Телесериал.
19.35 Клип-антракт.
19.40 «Мўъжизалар майдони».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 Время.
21.55 «Қалбим юлдузи». Телесериал.
22.45 «Оламда нима гап?».
22.55 «Дил изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 «Дурдаршан».
23.50 Кинематограф: «Кабутар қанотларида». Бадиий фильм.
01.20 «Ахборот» (рус тилида)
01.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 13

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 Ёш ижрочилар концерти.
9.20 «Ҳидоят сари».
9.45 «Ҳазрати Инсон».
10.00 Телевизион миниатюралар театри.
«Умид» намойиш этади:
10.35 «Очиқ дарс».
10.55 «Бугуннинг аёли».
11.15 О.Фармон. «Арвоҳ қаҳри». Теленовелла. 1-қисм.
12.00 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
12.15 «Ўзбек спортининг нуфузи».
12.30 «Қўшиққа кўчган сатрлар». Ш.Қурбон.
13.05 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
13.55 «Кичкинтой устахонаси».
14.15 «Акс-садо».
14.45 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
15.10 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Халқ усталари сулоласи. Гилам».
15.20 Ўсмирлар учун «Ўйла, изла, топ!»
16.00 «Сирдошим».
16.20 «Эзгулик йўлида».
16.30 «Имконият». Бадиий фильм.
17.45 Эстрада тароналари.
18.00 «Ҳиммат».
18.15 «Сеҳрли шуъла». Кинокўрсатув.
18.30 «Маслак ва мақсад». Халқ демократик партияси.
19.00 «Оила». Тележурнал.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари».
20.30 «Ахборот».
21.10 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
21.25 «Олтин дала».
22.05 «Келин-куёв». Телешоу.
23.00 «Футбол майдонларида».
23.20"Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.50 «Куй ва тасвир».
00.10 «Валинеъмат». Бадиий фильм.
01.35-01.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 96-қисм.
10.35 «Ёшлар» телеканалида.
10.40 «Мусиқий лаҳзалар».
10.45 «Марказий сайлов комиссияси хабарлари».
11.00 «Кинотақдим».
11.20 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.40 «Биринчи мўъжиза».
12.00 «Ракурс».
12.20 «Рамаяна». Телесериал.
12.55 Сиз севган гуруҳ. «Байрам».
13.15 «Мен овоз бераман».
13.20 «Ракслар қанотида».
13.40 Теннис.
14.40 «Мусиқий глобус».
15.00 «Шу куннинг мавзуси».
15.10 «Ёш Индиана Жонс ҳаётидан». Телесериал.
15.55 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
16.25 Синема.
17.40 «Сенинг вақтинг».
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («У ким? Бу нима?». Мульттомоша)
18.35 «Баҳс, мунозара, таҳлил».
18.55 «Мен овоз бераман».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
19.45 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
19.55 «Матбуот».
20.05 «Мусиқий лаҳзалар».
20.10 «Бизнес-академия».
20.35 «Рамаяна». Телесериал.
21.15 «Сир».
21.35 «Мусиқий лаҳзалар».
21.40 «Кутилмаган меҳмон».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Эколаш». Дам олиш кўрсатуви.
22.45 «Мен овоз бераман».
22.50 «Мусиқа теграсида».
23.10 Синема.
00.50 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

8.50 «Соғлом бўлай десангиз...»
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 Болажонлар экрани. «Митти бурун».
10.30 «Ёшлар худуди». «Мен сайловчиман».
11.00 «Мисли гавҳар».
11.25 «Бева Бланка». Телесериал.
12.10 «Муаллиф».
12.40 «Олам».
13.00 «Жозиба».
13.20 Кинонигоҳ. «Ғаройиб рейс».
14.50-15.35 «Дўстлик» видеоканали.
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
18.15 Болалар учун. «Сеҳрли сандиқча».
18.35 «ДАН хабар қилади».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз-кутлаймиз!»
19.05 Телефильм.
19.15 Эфирда - Халқ демократик партияси.
19.45 «Қалтис ўйинлар» Телесериал. 78-серия.
20.10 «Янги ой чиққан кеча».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кувонч лаҳзалари абадий...»
21.25 «Сиз соғинган наволар».
21.55 «Даллас».Телесериал.
22.45 «Ишдаги ишқ ёки...»
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 «Кинонигоҳ». «Жейн хоним». 1-2 сериялар.
01.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

9.05 «Болалар олами».
9.20 «Кино сайёраси».
9.40 «Икки рояль».
10.25 «Дурдаршан».
10.45 «Спорт-клуб».
11.00 «ТВ-4да Немис тўлқини».
11.20 «Уорлднет» янгиликлари.
11.30 «Тонгги почта».
12.05 Кундузги киносеанс.
14.00-14.15 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
18.00 «Бинафша».
18.15 «Бу ажиб дунё».
18.30 «Дил изҳори».
18.40 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.10 Луи де Фюнес «Жандарм сайрда» комедиясида.
21.00 «Время».
22.00 «Биргаликда куйлаймиз!»
22.45 Кинематограф.
00.15 Клипомет.
01.45 «Ахборот» (рус тилида)
02.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 14

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.00 «Шарқ тароналари».
9.35 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Хонобод».
9.45 «Ғаройиббот».
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!»
11.00 «Хонадон».
11.20 «Кувноқ стартлар». Телемусобақа.
12.00 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
12.15 О.Фармон. «Арвоҳ қаҳри». Теленовелла. 2-қисм.
13.00 «Шоҳрух» клуби.
13.30 «Тарихнинг тилсиз гувоҳлари». Анбар она.
14.00 Кундузги сеанс.
15.25 «Кўзгу».
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Бўстон». Тележурнал.
16.25 «Пан Клякcанинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-серия.
17.40 «Яшиллар ёди». Ҳ.Зарипов.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.20 «Бир жуфт қўшиқ».
18.30 «Маслак ва мақсад». Миллий тикланиш демократик партияси.
19.00 «Ўзлик».
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Санъат олами».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
21.30 «Оталар чойхонаси».
22.30 «Интер-спорт».
22.45 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
23.00 Кино янгиликлари.
23.15 Ўзбек киноси ижодкорлари.
23.35 «Кумуш қирғоқ». Бадиий фильм.
01.00-01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

9.00 «Якшанбада яхши дам».
9.30 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
10.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 97- қисм.
11.05 «Ёшлар» телеканалида.
11.10 «Ақл ёшда эмас».
11.25 «Мусиқий лаҳзалар».
11.30 «Синфдош».
11.50 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
12.05 «Мен овоз бераман».
12.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: «Ринг қироллари».
13.10 «Лаззат».
13.30 «Рамаяна». Телесериал.
14.05 «Марду-майдон».
14.25 «Мезон».
14.45 «Цирк, цирк, цирк...»
15.05 «Азизим».
15.40 «02» тўлқинида.
15.55 «Эркин фикр».
16.10 Синема.
17.45 «Наволарда аён этсам».
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Уй вазифаси»).
18.30 «Спорт хафтаномаси».
18.50 «О, ёшлигим».
19.10 «Якшанбада кўришгунча».
19.30 «Сайловлар минбари». Адолат социал-демократик партиясининг сайловолди платформаси.
19.45 «Бу мунис лаҳзалар».
20.00 «Давр» хафта ичида.
20.45 «Рамаяна». Телесериал.
21.25 «Худуд».
21.55 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Мен овоз бераман».
22.05 «Обид-шоу».
22.50 «Олам футболи».
23.10 Синема.
00.50 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

8.50 «Соғлом бўлай десангиз!»
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 «Ерилтош». Мульттўплам.
9.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.20 Болажонлар экрани. «Еттинчи жин».
11.25 «Таянч».
11.50 «Саломатлик чорраҳаси».
12.05 «Жозиба».
12.25 «Бева Бланка». Телесериал.
13.10 «Туризм ҳақида».
13.40 «Кўзгу». Тележурнал.
14.00 «Суҳбатдош».
14.20-16.40 Такрорий фильмлар экрани. «Жейн хоним». 1-2 сериялар.
17.50 «Ойнаи жаҳонда».
18.00 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.30 «Камолот сари».
18.45 Телегазета «Экспресс».
19.05 Телефильм.
19.15 Эфирда - Миллий тикланиш Демократик партияси.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 79-серия.
20.10 «Ёшлар куйлаганда».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Ибрат».
21.40 «Даллас». Телесериал.
22.30 «Йиллар ортидаги йўллар».
23.00 «Хорижий ҳангомаси».
23.20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 «Кинонигоҳ». «Полиция академияси».
01.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.45 «Парле ву франсэ?»
11.10 «Ўзбекистон янгиликлари».
11.20 Кинематограф.
12.50 «Фан-тайм».
13.00 «Океан ортига саёҳат. Япония».
13.15 «Дўстлик» видеоканали: «Рангин камон», «Маврид».
14.00-14.15 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
18.05 «Тенгдошлар».
18.25 «Кинопрофи».
18.45 Ирина Хакамада «Хотин-қизлар билан содир бўлган воқеалар» дастурида.
19.20 Якшанба премьераси: Патрик Суэйзи «Қора ит» янги жангари фильмида.
21.00 «Дил изҳори».
21.10 «Интернет худуди».
21.25 «Бахт».
21.45 «Мюзик-холл».
22.05 «Бу ажиб дунё».
22.20 «Клеопатра».
01.20 «Таҳлилнома» (рус тилида)
01.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»
22.40 «Минг йиллик». Сериал.
23.35 «Кино чизғи». Эллада қаҳрамонлари Серджио Леоненинг «Колосс Родосский» саргузашт фильмида.

Тўйинг муборак бўлсин, Алпомиш!

ЭНГ ЁРУҒ КУНЛАР

ЯШИРИБ** нима қиламан, «Манас» достонининг минг йиллиги байрам қилинганда: «наҳотки бизнинг эпос, халқ оғзаки ижоди қадимий бўлмаса», деган фикр кўнглимдан кечган эди. Назаримда, бу гап кўплаб ҳамюртларимни ҳам дил торини чертиб ўтган, албатта. «Алпомиш»нинг минг йиллигини нишонлаш тўғрисида Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинганда, барчамизнинг қалбимизга ифтихор туйғулари тўлди. Чунки, Самарқанду Бухоро, Хиваю Нурота, Шаҳрисабзу Насафдаги ҳайратомуз обидалар қанчалик бизга ғурур бахш этса, «Алпомиш», «Гўрўғли», «Рустамхон» сингари достонлар ҳам шунчалар азизу мукаррамдир. Халқимиз бежиз Алпомишни куйлаган Фозил Йўлдош ўғли, Берди Бахши, Бекмурод Қарғабой ўғли, Пўлкан шоир, Зоҳир Қўчқор ўғли каби бахшиларни эҳтиром қилмаган, ардоқламаган. Ҳатто китоблар ҳам қатағон қилинган дамларда кўз қорачиғидек асрамаган!

Рассом Муборак ЙЎЛДОШЕВнинг «Алпомиш Буюк Турон қоплони» сурати.

Достон сўйлаб, эл дилини шукуҳга тўлдирган бахшини нима қилиш керак? Албатта, бошга кўтариш керак, дейсиз. Лекин истибдоднинг энг мудҳиш даврлари бўлган 30-, 40-, 50-йилларда бахшилар достон айтгани учун сургун қилинди, қувилди, ҳибсхоналарга тиқилди. Достоннинг ўзи ҳам энг қора кунларни бошдан кечирди. Ваҳоланки, «Алпомиш» ўша даврларда дарсликларга, ўқув қўлланмаларига киритилган, мумтоз шоиримиз Собир Абдулла «Алпомиш» мусиқали драмасини ёзган, у Муқимий номли мусиқа театри саҳнасида ўйналган эди. Буни қарангки, достоннинг шунчалар машҳурлиги кўпларнинг «жиғига» теккан экан. Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор, атоқли фольклоршунос олим Малик Муродовнинг бу борадаги ҳикоялари асло ёдимдан чиқмаса керак.

1957 йилда А. Абдунабиев ва А. Степанов каби «холис танқидчи»лар вақтли матбуотда мақола эълон қилишади. Унда достонни бошдан-оёқ қоралашади. Ўша йиллардаги катта илмий анжуман «достон қонли урушларни кўкларга кўтариб, мақтовчи, хон ва бекларнинг талончилиги, уларнинг камбағал халққа ўтказган зулмини дабдаба билан куйловчи, миллатчиликни тарғиб қилувчи, халққа қарши асар» деган хулосага келади. Шу тариқа севимли достоннинг ўзи ҳам, уни айтиш ҳам таъқиқ этилади. Энг ёмон кунлар бахшиларга насиб этди. Уларнинг бошига калтаклар ёғилди. Шу тариқа ўзбек бахшилигининг йўлига ғов қўйилди.

Бойсуннинг Паданг қишлоғида яшовчи Холиёр бахши Абдукарим ўғлининг қисмати ачинарли бўлди. Амир даврида тўқсобалик қилган Холиёр бахши шўролар даврида жон сақлаб қолиш учун инқилобда қатнашган, «Амир қочди» деган достон яратган, эл орасида қуйлаб юрган эди. Шунга қарамай уни халқ душмани деб қатл этадилар. Бахшига сўнгги сўз берилганда, у раҳм-шафқат тиламай, «Алпомиш» достонидан парчалар куйлаган...

Шерободлик Мардонақул юзбоши (Сурхон воҳасида бахши юзбоши деб ҳам юритилади) ҳам озмунча азоб чекмади. Сен юзбоши бўлгансан, деб уни олти ой ҳибсда азоблаганлар. Ниҳоят юзбошининг маъносини англаб, озод қилишгану, достон айтишни таъқиқлашган. Деҳқонободлик Фармон достончининг қисмати бундан ҳам оғир кечади. Қўл учида кун кўрса ҳам, бахшининг уч-тўртта қўй-улоғини катта бойлик ҳисоблашиб, қулоқ қиладилар. Ёру-биродарлари Фармонни жонига оро кириб, Мачай орқали Душанбега қочириб юборишади. Ўн йиллар ватанидан нарида, ҳали у ер-ҳали бу ерда яшаб юрса ҳам «Алпомишга» иҳёт қилмаган. Доимо айтиб юрган. Чироқчилик Тоғай бахши эса Сибир азобларини кўриб, соғлиғидан ажраб қайтади.

«Алпомиш» бахшиларнинг юрагида яшади ўша йиллар. Юракдаги паҳлавонни, жарангдор қўшиқни узоқ сақлаб бўларканми. Қатағон ортда қолди. Қора кунлар ортда қолди. «Алпомиш»нинг ёруғ кунлари бошланди.

Олмаликда яшаб, ижод этаётган олим, айни пайтда эшшуносу бахши Мусулмон Асқаровнинг фидойилигини бугун тилга олмасак бўлмас. Бундан бир неча йил олдин тоғ этакларида жойлашган Телов қишлоғидан ўтаётганимизда, Мусулмон ака тўсатдан машинани тўхтатди: «Юринглар, бир улуғ инсон бор, зиёрат қилиб ўтамиз». Бошлашиб уч-тўрт киши бир хонадонга кириб бордик. Сохиблари жуда ҳам илиқ кутиб олишди. Бизни кўриб ёнбошлаб ётган отахон ўрнидан қўзғалди, чопиб бориб омонлашдик.

«Устозимиз омон бахши, — деди Мусулмонқул ака, — ўз вақтида «Алпомиш»ни, «Гўрўғли»ни куйлаганлар. Отахон ним табассум қилиб: «Мусулмонбой, иним, меҳмонларни танимай турибман», деди. Танишиб олгач эса, ғимирлаб қолди. Дўмбирани олиб, бироз ҳирқироқ, лекин дона-дона овоз билан «Алпомиш»дан куйлади бахши. Назаримда, Ҳакимбекнинг мардлигини айтгани сайин, Омон бахши ёшараётгандек эди. Кейин дўмбирани қўйиб, манглайидаги терларини артди: «Қариб қолдик, болаларим. Энди Мусулмоннинг гали. Айт-болам, айт» деди. Шундан сўнг Мусулмон Асқаров дўмбирани олиб, шўх черта кетди. Ё тавба, иккитагина торда шунча сеҳр бўладими? Назаримда Мусулмонқул ҳали қуш бўлиб учар, ҳали Бойчибор миниб чопар, ҳали алплар билан бел тутишар эди. Ҳали чўпон қиёфасида Барчинга сўз айтар эди:

Устингдаги азани.
Чечаг гўйгин Барчиним.
Ўн бир қазна бўхчангни.
Ечайгин Барчиним.
Шароб билан асални.
Ичаўйгин Барчиним.
Ултонтозам яхши бек,
Қучаўйгин Барчиним.
Тол ҳивичдек бўйингди,
Иягўйгин Барчиним.
Кимхоб билан хитойди,
Кияўйгин Барчиним.

Мусулмон Асқаров ҳозир ўзи ҳам қўшиқлар ёзади, достонларни куйлайди. Айниқса, шу кунларда «Алпомиш»ни айтаётганига аминмиз. Омон бахши омон бўлсалар — минг қуллуқ.

«Алпомиш»нинг энг ёруғ қунлари келди. Шу қутлуғ тўйга атаб бахшиларнинг айтишувлари бўлиб ўтди. Жаҳоннинг ўттиз мамлакатидан келган полвонлар эса Президентимиз совринни учун бел тутишдилар. Ғолибларга «Тико», «Дамас», «Нексия» машиналари насиб этди. «Алпомиш» достони асосида яратилган фильмлар ҳадемай экранларга чиқади, саҳналарда эса томошалар қўйилади. Энг қувончлиси «Алпомиш» достонининг тўла академик нашри ҳам китобхонлар қўлига бориб тегди.

Ёруғ кунларинг абадий бўлсин, «Алпомиш». Халқимиз орасида мардликнинг, элсеварликнинг тимсоли бўлиб яшайвер. Бахшиларнинг султони Қодир бахши айтганидек:

«Алпомиш»ни айтганда,
белим тоғдек бўлади,
Барчинойдан сўзласам,
тилим болга тўлади.
Эшитганлар муродига
етсин, дейман яхшилар
«Алпомиш» алп яхшилик
эксин дейман, яхшилар.

Темур ЙЎЛДОШЕВ.

КУТУБХОНА ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Алишер Навоий номидаги Республика Давлат кутубхонасига ўз ҳисобидан тўрт юз номдаги саккиз юзга яқин китоб тухфа этди. Улар асосан академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиладиган аниқ фанлар бўйича дарсликлардан иборат.

Ҳозир мамлакатимизда 1800 га яқин лицей ва коллеж қурилмоқда. Бу йил 200дан кўпроқ ана шундай ўқув муассасаси ишга тушди. Уларда кутубхона мавжуд бўлса-да, талабалар янги технологияга оид энг зарур адабиётлардан фойдаланиш учун марказий кутубхонага мурожаат этмоқда. Шу боис вазирлик икки йилдан буён Республика Давлат кутубхонаси жамғармасини ҳомийлар ёрдамида янги дарсликлар билан бойитишга ҳаракат қилмоқда. Бу гал ҳам кутубхона китоб фондини бойитиш мақсадида, турли адабиётлар билан бир қаторда, қарийб икки ярим миллион сўмлик чек топширилди.

— Ҳозирги вақтда талабаларнинг янги технология ва ахборот техникасига оид адабиётларга эҳтиёжи айниқса кучаяётгани табиий ҳол, — дейди кутубхона директори А. Умаров. — Уларга қулайлик яратиш учун янги адабиётларни компьютер хотирасига жойлаб, библиографик хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга интиляпмиз. Айни пайтда Интернет алоқа хизматидан ҳам фойдаланамиз.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

Ибратнома

ДОНО СЎЗ ДУНЁ КЕЗАР

Халқимиз маънавий меросига оид, араб имлосида ёзилган асарлар қўлёзма ва тошбосма ҳолида бизгача етиб келган. Ҳижрий 1325 (мелодий 1907) йилда Тошкентда тошбосма усулида чоп этилган «Ажойиб ва ғаройиб ҳикоятлар» («Ажойиб ул-ҳикоят») китоби ана шундай асарлардан биридир. Унда қадимги юнон файласуфларидан Арасту (Аристотел), Афлотун (Платон), Суқрот (Сократ), Буқрот (Гиппократ) кабиларнинг ҳаётида қизиқ воқеалар, ибратли ҳикоятлар ва кўнгилочар мутойибалар ҳам ўрин олган. Ўйлаймизки, бу асардан олинган ҳикоятлар газетхонларга ҳам манзур бўлади.

АФЛОТУН СОЗИ

Келтирубдирларки, бир куни борғоҳи олий ҳазрати Искандар ҳузурига ҳукамолар ва аҳли донишлар, шу жумладан Афлотун, Арасту, Суқрот ва Буқротлар жам бўлди. Арасту ҳаким дедиким: «Илми устурлоб мендан, ўзга оламдин хабар билиш илми ҳам мендандур ва фалон ҳунар ҳам мендандур. Илми симё ва кимё эса, табиатдандур». Шунга ўхшаш сўзлар билан у ўзи ҳақида кўплаб фахр ва манманликлар қилди. Бир сўз Афлотунга писанд бўлмади ва қаттиқ тегди. Ул мажлис поёнига етиб, ҳар ким ўз жойларига кетди. Доно Афлотун бир хилват ерга кириб, ҳаёлга берилди ва фикр қилдиким: «Бир иш қилсамки, ул ишни ўзга донолар қилолмагайлар». Охир кўнгли бир ерга қарор топди. Фикр қилдики, мусиқа сохасида томошолар барпо айлагай ва бир мусиқа асбобини созлаб, мусиқа машқи қоидаларини расо тоблаб, пардаларни дам-бадам куйга келтиргай. Шундан кейин унинг қундан-кунга қўли барака топиб, табъи очилиб, бир куйни яратди. Унда ўн икки мақомда йигирма тўрт замзамаларни қиёмига етказди. Агар бир жамоат одамлар ичига кириб, бир фаслдан тушиб то мақомни руҳига етказса, ҳамма эшитувчилар жонсиз бўлиб йиқилиб қолур эрдилар. Фасли жон чалинганда ҳамма хушларига келиб кўз очар эдилар. Бир оҳангни чалса барча шодланар, бошқа куйга эса, то кўз ёши қуригунча йиғлашар эрдилар. Яна бир куйни чалса, хоҳ тош бўлсин, хоҳ пўлат бўлсин, эриб сув бўлар эди. Алқисса, Афлотун бу ишларга йўл топди. То маълум вақтгача у одамларга кам кўринди. Арасту ҳам билдики, Афлотун бир ишни бошлаганга ўхшайди. У ҳам сарҳисоб қилиб, мусиқа илмига киришибди. Бир қанча вақт машқлар билан мақомларни қиёмига етказибди ва Искандар ҳузурига кириб, бир мажлис ораста қилди. Афлотун шундай куйлар чалдики, ҳозир бўлганлар эшитиб бежон бўлиб йиқилдилар. Арасту ҳарчанд ҳаракат қилди, аммо улар хушларига келмади. Шоҳ дилтанг бўлиб Афлотунга киши юборди. Афлотун келиб, созини олиб, хушга келтирувчи куйни чалди. Ҳамма беҳуш бўлганлар кўзини очиб, туриб кетдилар. Арасту бошлиқ барча донолар Афлотунга таҳсинлар айтдилар.

ОЛМОС ПИЁЛАДАГИ ЗАҲАР

Ҳазрат Искандар ҳузурида бир қанча ҳукамолар жам бўлиб, юзга яқин доруларни бир ерга йиғиб, улардан шарбат олиб, олов билан қиём айладилар. Бир нав заҳар пайдо бўлдики, ҳеч бир идишда турмай, идишларни тешиб тўкилиб кетаверди. Шоҳга арз айладилар. Шоҳ Афлотундин сўради. Афлотун жавоб бердики: «Агар олмосдан пиёла ясалса, турғай ва унда тўкилмагай». Ҳазрат Искандар хазиначисига дедиларки: «Чин ҳоқони совға қилиб, олмос пиёла юборган эди, олиб келгил». Хазиначи ҳозир қилди. Арасту уни олиб, заҳарни солди. Заҳар тўкилмади, идишни ҳам ўйиб тушмади. Афлотун фаросат билан фаҳмладики, бу заҳар унга атаб тайёрланган ва унга ичирсалар керак деб. Афлотун ҳам бошқа шарбат тайёр қилди. Ул шарбатни шишаларга қуйиб, ҳар бирига хат битиб қўйди. Бир замбилнинг ичини пахта бирла тўлатиб, бир шогирдини бу сирдан огоҳ айлаб, таълим берди ва деди: «Мен шоҳнинг олдида ул замбилнинг ичидаги пахта устида ўтириб, ҳукамолар томонидан тайёрланган заҳарни ичаман. Бир соатдан кейин бир пиёла сувдек бўлиб тўкилиб кетсам керак. Сизлар эса «вой, пирим!» деб замбилни кўтариб олиб бориб бул ерга келтиринглар. Ҳар куни бир шиша шарбатни бул пахтага қуйинглар. Қирқ қундан кейин бул пахтадан бир гўдак пайдо бўлғай. Уни олиб тарбия қилинглар, то саксон кунда яна иккинчи марта бу дунёга келарман». Афлотун васиятини бул ерга етказиб, ёзиб ҳам берди.

Бир куни шоҳдин киши келиб, уни олиб кетди. Ҳар ким шоҳ ҳузурида ўз жойида барқарор бўлдилар. Арасту туриб арз айлаб деди: «Ҳукамолар жам бўлиб бир мисқол дору тайёр қилибдурлар. Ул дорини доно ҳаким ичса яхши бўлади». Шунда Афлотун замон шоҳидин фотиҳа олиб, ул замбилдаги пахта устига ўтирди ва доруни ичди. Бир қатра ҳам қолмади. Ҳозир бўлганлар кўрдиларки, ҳакимнинг ранги ўзгача бўлиб, бир пиёла сувдек сочилиб кетди ва пахтага тўкилди. Шогирдлари: «Вой устозим, вой пирим», деб замбилни кўтариб олиб кетдилар. Ҳазрат Искандар кўп паришонҳол бўлдилар. Ул шогирдлар замбилни олиб келиб, бир муайян жойга қўйиб, ёзилган хат бўйича ҳар куни бир шиша шарбатни пахтага қуяр эрдилар. То қирқ кун тамом бўлди, ул пахта ичидан бир гўдак пайдо бўлди. Ул гўдак юриб, гапира бошлади. Соқолу сочлари чиқиб саксон кун деганда асл ҳолига келди. Бу хабар оламга машҳур бўлди. Ҳазрат Искандар ҳам эшитиб, шоду хуррам бўлдилар. Ҳамма ҳукамолар, донишмандлар ҳозир бўлдилар. Афлотунга яна киши юбориб олиб келдилар. Шоҳ бошлиқ ҳамма кўришиб, хурсанд бўлдилар. Суҳбатлари авжга чиқди. Ҳазрати Искандар жуда кўп иноъом-эҳсонлар айлаб, барчани мамнун айлади.

ЎТ ИЧРА ҚОЛГАН АРАСТУ

Афлотун ҳазрат Искандаргга арз айлаб деди: «Мен ҳам донолар ҳузурида бир мўъжиза кўрсатсам». Шоҳдин ижозат бўлгач деди: «Ул олмосдин бўлган пиёлани келтиринг». Мажлисда ҳозир бўлганлар ул пиёлани келтирдилар. Афлотун деди: «Эй Арасту! Бу пиёлада сув олиб кел». Арасту пиёлада сув олиб келди. Афлотун ул сувга ўнг қўлини солди ва уч марта чайиб Арастуга деди: «Бул сувни ичинг». Арасту ўрнида ўтириб, сувни ичди. Ҳамма кузатиб турган эди. Арастунинг аҳволи ўзгача бўлди. Ранги бир оқариб, бир сарғайиб, бир қизариб, бир қорайиб, бурнидан, оғзидан, кўзидан, қулоғидан тутун чиқа бошлади. Тутун бирла учқунлар ҳам пайдо бўлиб, секин-аста бадани оловдек бўлди. Оғзида темирдан қилинган гул пайдо бўлди. Оғзидан бир газ чиққан гулни тишлаб турди. Орқа тарафидан ҳам тутунлар, учқунлар пайдо бўлди ва чўғдек темир сих бир газ узунликда чиқди. Гўё у темир сихга тортилган кабобдек бўлди. Ўтирган курсиси ва жойи куйиб, кул бўлди. Ҳазрат Искандар кўп паришонҳол бўлиб деди: «Афсуски Арастудек донишманд куйиб, бу аламдин йўқ бўлди». Афлотун кўрдики, шох беҳад ғамгин бўлибдилар. Арастунинг шогирдига ул олмос пиёлада яна сув олиб келишни буюрди. Шогирд сув олиб келгач, Афлотун чап қўлини сувга солиб, уч мата чайди ва деди: «Энди сувни Арастуга сочгил!». Ул шогирд сувни Арастуга сочган замони оловлар ўчиб, сихлар ичига тортилиб йўқ бўлди. Тутун ва учқунлардан ҳам ному нишон қолмади. Арасту сурати аслига келиб, ўрнидан туриб, шоҳга салом айлади. Сўнгра ҳозир бўлганлар билан кўришиб, Афлотунга узрхоҳлик қилди.

Ҳазрат Искандар бул икки доно ҳакимга кўп навозишлар қилиб, иноъом-эҳсонлар берди. Мажлисда ҳозир бўлганлар ҳам иноъом-эҳсондан бебаҳра қолмадилар. Ҳуллас калом донишмандлар орасида мана шундай ажойиб ғаройиб мўъжизали ишлар ҳам бўлиб турар экан.

Араб имлосидаги эски ўзбек ёзувидан Асадали ҲАКИМЖОНОВ нашрга тайёрлади.

АСРЛАР ОША СУҲБАТ

Яқинда «Маънавият» нашриёти томонидан фольклоршунос олим, Омонулла Мадаевнинг «Алпомиш билан суҳбат» китоби чоп этилиб, ўқувчилар қўлига тегди. Китобчада ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодиннг ноёб намунаси «Алпомиш» достонининг бугунги давр билан боғланган таҳлили баён қилинган.

Олим ўз сўзини «агар хориждан келган бирон сайёҳ сиздан ўзбек халқи жаҳон халқлари маданият хазинасига ўзининг қайси оғзаки ижод намунаси билан муносиб ҳисса қўшганини сўраса, ҳеч иккиланмай «Алпомиш» достонини айтишингиз турган гап», деб бошлайди.

Республикамиз бўйлаб достоннинг 1000 йиллик тўйи кенг нишонланаётган бир пайтда «Алпомиш билан суҳбат» асари тўйга тўёна сифатида тақдим этилди.

«Достоннинг яратилишига чизгилар» бобида муаллиф томонидан «Алпомиш» достони қадим замонлардан буён миф, афсона, эртак тарзида айтиб келинганлиги, кейинчалик оғиздан оғизга кўчиб, достон шаклига келганлиги таъкидланади. Охирги бобда эса, «Алпомиш» ҳикматларидан намуналар алоҳида териб олинган. Бу ҳикматлар ўзбек йигитларининг рамзи бўлган Алпомиш тилидан айтилган. Халқимиз маънавиятининг бойишида бу ҳикматлар алоҳида аҳамият касб этади.

Муаллиф «ўзбекнинг қиличини суғуриш қийин, қайтариб солиш ундан қийин», деб Алпомиш авлодлари ғурурини акс эттиради.

Фольклоршунос олим ўз асарида «Алпомиш» достонининг қимматини таъкидлаб туриб, унинг бахшилар томонидан қўйланганда янада жозибадор эканлигини бадиий тарзда ифода этади.

«Туркистон-пресс».

АЛЁР

Қиличлари ҳеч
синмас элнинг,
Орзулари ҳеч сўнмас
элнинг,
Наволари ҳеч тинмас элнинг,
Алп ўғлига алёрлар бўлсин!

Бойчибори юлдуз кўзлаган,
Қайда ёғий бўлса излаган,
Ёрим дея бағрин тузлаган,
Алпомишга алёрлар бўлсин!

Арғумоғин бордир қаноти,
Асл тулпор ўзбекнинг оти,
Ҳавас қилар бугун авлоди,
Алпомишга алёрлар бўлсин!

Не алпларни кўрдим демаган,
Ғанимига бошин эгмаган,
Кураклари ерга тегмаган,
Алпомишга алёрлар бўлсин.

«Ҳайт» деганда, ерлар зириллар,
Наъра тортса, шамол гуриллар,
Забт қилса, йўлбарс чириллар,
Алпомишга алёрлар бўлсин.

Эримайди Бойсуннинг қори,
Ўғил деган Ватаннинг ори,
Ҳудо бўлур ёлғизнинг ёри,
Алпомишга алёрлар бўлсин.

Қўнғиротли қошлари ҳилол,
Барчин деса, ошиқ қадди дол,
Кокиллари ўрилган тол-тол.
Алпомишга алёрлар бўлсин.

Мингга кирса хамки навқирон,
Бугун тўйин қутлайди Турон,
Икки қўли кўксида Сурхон,
Алпомишга алёрлар бўлсин.

Бахшилари сайрашда булбул,
Узбек юртин ботирлари мўл,
Шул сабабдан бўлмас
асло кул
Алпомишга алёрлар
бўлсин.

Темур УБАЙДУЛЛО.

Кулганга нима етсин

ТЎҒРИ ЎҒРИ

Балиқчилик хўжалигига кираверишда қоровул қўлига қармоқ кўтариб олган бир одамни тўхтатиб, ундан:

— Қаёққа кетяпсиз? — деб сўради.

— Ҳа, энди, уч-тўртта балиқ дегандек, — жавоб берди у.

— Ахир бу ердаги балиқлар — давлатнинг балиғи-ку?

— Ўзимиз ҳам давлатнинг одамимиз, амаки.

— Ие, қизиқ одам экансиз-ку? Фермадан 1-2 бузоқни ёки товуқчилик фермасидан 5-6та товуқни олиб чиқсангиз ўғрилик, деб баҳоланишини биласиз-а?

— Мен бузоқ ёки товуққа эмас, балиқ овлагани кетяпман.

— Улар билан балиқнинг орасида нима фарқ бор? Балиқни ҳам одамлар йўқ нарсадан пайдо қилиб, ем сарфлаб меҳнат билан етиштиради.

— Сизнингча, ҳовузлардан 3-4та балиқ овлаб кетсам, ўғри бўлар эканман-да?

— Албатта.

— Ундай бўлса, билиб қўйинг, мен тўғри ўғриман. Негаки, қўрқмай, дарбозадан киряпман. Эгри ўғри бўлганимда, айланма йўл излардим.

— Ё, тавба, шунча яшаб, «тўғри ўғриман», деган кишини энди кўришим, — деди коровул ёқа ушлаб.

ЕМАГАНИМИЗ МАЪҚУЛ

Балиқ сотилаётган дўкон олдидан ўтиб кетишаётганида, эр хотинига:

— Тирик балиқ сотилаётган экан, сотиб олсак бўлармиди, анчадан бери балиқ емадик, — деди.

— Сиз тозалайсизми? — деб сўради хотини.

— Мен тозалайдиган бўлсам, балиқ емаганимиз ҳам маъқул.

БАҲОНА

— Автомашинангизга «Тирик балиқ», деб ёзиб қўйибсиз-у ўзингиз ўлик балиқ олиб келибсиз. Бу ёғи қандай бўлди?

— Балиққа нисбатан «ўлик» сўзини қўллаш ножоиз. Пайғамбаримиз уни «луқмаи ҳалол» деб атаганлар. Шунинг учун, тириги-ю ўлигининг фарқи йўқ.

АВВАЛ ЧИҚАРИБ

— Лаққа балиқ овладим, деяпсиз. Уни сувдан олишда қийналмаслик учун, қармоқни тортиб, бошини бироз сувдан чиқарганда, тумшуғига калтак билан уриш керак, дейишади. Сиз ҳам шундай қилдингизми?

— Йўқ, мен уни қирғоққа чиқазиб олганимдан сўнг, тумшуғига урдим.

Ҳусан АҲМЕДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ АМЕРИКАДА ЯНГРАДИ

ГАЗЕТАМИЗДА аввал хабар берганимиздек, 2 ноябрь куни Америка Қўшма Штатларида «Ўзбекистон маданияти ҳафталиги» бошланди. Мазкур тадбир доирасида ташкил этилган «Буюк ипак йўли» кўргазмасида қадим осори-атиқалари, тасвирий санъат асарлари билан бирга амалий санъат асарларининг савдо-кўргазмаси ташкил этилди. Ҳафталик кунлари намойиш этилаётган концерт дастури «Янги Ўзбекистон» деб номланди.

Санъатимиз усталари иштирокидаги концертда Ўзбекистон халқ артисти Абдухошим Исмоилов раҳбарлигидаги созандалар гуруҳи алоҳида эътиборга сазовор бўлмоқда. «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивали бош мукофоти — Гран при совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Сатторованинг мумтоз қўшиқлари ҳам тингловчиларга ёқиб тушмоқда. Юнус Ражабий номидаги мақом дастасининг хушовоз хонандаси Бекназар Дўстмуродов билан хоразмлик Равшан Матёқубовлар асосан фольклор қўшиқларини ижро этмоқдалар. Айтиш мумкинки, айни кунларда бутун Америка «Янги Ўзбекистон» овозини берилиб тингламоқда.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

Воқеалар шуқшнида

● НОРВЕГИЯНИНГ Осло шаҳрида Исроилнинг собиқ бош вазири, тўрт йил муқаддам террорчи дастидан ҳалок бўлган Ицхак Рабин хотирасига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда АҚШ президенти Билл Клинтон, Россия бош вазири Владимир Путин, Исроил бош вазири Ёҳуд Барак, Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат иштирок этдилар. Улар қатор масалалар билан биргаликда Яқин Шарқда тезроқ тинчлик ўрнатиш муаммосини ҳам муҳокама қилдилар.

● ПОЛЬША президенти Александр Квасьневский расмий ташриф билан Козоғистонда бўлди. Натижада, икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга тааллуқли 20та ҳужжат имзоланди.

● АҚШ ҲУКУМАТИ Грузия президенти Эдуард Шеварднадзени мамлакатда ўтказилган парламент сайловида ўзи раҳбарлик қилаётган партиянинг ғолиб чиққани билан табриклади.

● БМТ БОШ КОТИБИ Кофи Аннан Альваро де Сотони Кипрдаги ўзининг махсус вакили этиб тайинлашни режалаштирди.

● ДУБАЙ шаҳрида Форс кўрфазидаги олти араб мамлакати ташқи ишлар вазирлари ва Оврупо Иттифоқи вакиллари иштирокида мажлис бўлиб ўтди. Унда Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш, Ироқ, Косово ҳамда Чеченистондаги вазиятлар билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

«ЎН ОЛТИНЧИ» ЙЎЛГА ЧИҚДИ

ХИТОЙДАН Жанубий қутбга ҳисоб бўйича 16-экспедиция юборилди. Куни кеча «Суелун» — «Кўр аждари» кемаси Шанхай бандаргоҳидан Антарктикага йўл олди. Унда 130 нафар экспедиция аъзоси бор. Хитой Фанлар академияси вакилининг таъкидлашича, ушбу сафар 153 кун давом этади.

ЮНЕСКО 54 ЙИЛ ИЧИДА

КЕЧА жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ЮНЕСКО ташкил топган кун кенг нишонланди. Бу сафар мазкур ташкилотнинг 54 йил ичида қўлга киритган ютуқлари алоҳида тилга олинди. Зеро, 1945 йилнинг 16 ноябрида Лондон шаҳрида 44 давлат вакилларидан иборат таъсис мажлисида янги ташкилот — ЮНЕСКОнинг низоми тасдиқланган эди. У 20та мамлакат томонидан ратификация қилинганидан сўнг 1946 йил 4 ноябридан кучга кирди. Шу боис ҳам ушбу сана расмий равишда ЮНЕСКО ташкил топган кун деб эълон қилинди.

Мустақил Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот билан ҳамкорлиги йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Истиқлол туфайли мамлакатимиз дунё саҳнасига чиққани, кўплаб халқаро ташкилотларга аъзо бўлгани, ривожланган мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйгани юртимизда ҳам, ҳорижда ҳам бот-бот тилга олинмоқда. Улкан маданий мерос ва буюк тарихга эга бўлган ўзбек халқини, ўзбек давлатини дунё ҳар томонлама тан олмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКОга 1993 йил 23 октябрда аъзо бўлди. Шундан сўнг ўзаро алоқалар изчил йўлга қўйилди. 1994 йилда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ташкил этилди. 1995 йилда эса мамлакатимизнинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили лавозими таъсис этилди. Шу йили Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. 1996 йилнинг апрелида эса Тошкентда ушбу халқаро ташкилотнинг ваколатхонаси очилди. Ўтган олти йил ичида Президент Ислом Каримов ва бошқа ҳукумат вакиллари ЮНЕСКОнинг бош конференцияси ва иҳроия кенгаши сессияларида ҳамда Париждаги бош қароргоҳида ўтказилган қатор нуфузли анжуманларда иштирок этдилар. Уз навбатида ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор давлатимизга ташриф буюриб, Самарқандда халқаро Марказий Осиё тадқиқотлар институтининг очилиш маросимида, ўтган йили эса, Тошкентда ўтказилган ЮНЕСКО иҳроия кенгаши 155-сессиясининг якуний мажлисида ва бошқа тадбирларда қатнашди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик тобора тараққий этиб бормоқда.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

● ИРОҚ ВА ЭРОН 1980-1988 йилги урушларда асир олинган ироқлик ҳарбийларни озод қилиш масаласини муҳокама этиш ниятида турибдилар. Хабарларга қараганда, ҳар икки давлат вакиллари ушбу муаммони поёнига етказиш учун Техронда учрашадилар.

● ЗИМБАБВЕДА янги олмос кони топилди. Маълумотларга қараганда, конни топган компания билан маҳаллий ҳукумат ўртасида музокаралар олиб борилмоқда.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 5-9 ноябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради. Айрим туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Шарқдан Ғарбга томон эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 7-12 метрга етади. Ҳарорат кечалари 2-7, кундуз кунлари 10-15 даража атрофида илиқ бўлади. Шу даврнинг охирига бориб бироз ҳарорат пасайиши мумкин.

«Тошкентавтойўл» Давлат Акционерлик бирлашмаси меҳнат жамоаси бирлашма маслаҳатчиси **Бахромов Кучқор МЎМИНОВИЧ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан, оила аъзоларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдирадилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0900. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Алёна ПОРОШКИНА. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6